

Пардифен АКТИВ

Быстрое освобождение от отеков, растяжений,
боли в пояснице, суставах и мышцах.



«MA'QULLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni
saqlash vazirligi huzuridagi
Farmasevtika tarmog'ini rivojlantirish
agentligining "Dori vositalari, tibbiy
buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi
va standartlashirish davlat markazi" DUK
01.10.2019y. №22

ТИББИЁТДА ҚўЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙўРИҚНОМА

Препаратнинг савдо номи: Пардифен Актив

Дори шакли: сиртга қўллаш учун гель

Таркиби:

1 г гель қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

| | |
|---------------------------------------|---------|
| диклофенак диэтилани ВР га эквивалент | |
| диклофенак натрий | 3% w/w |
| зигир мойи | 3% w/w |
| метилсалицилат ВР | 10% w/w |
| ментол ВР | 5% w/w; |

ёрдамчи моддалар: фенилметанол, карбомер 934, диэтиламин, изопропанол, пропиленгликоль, полисорбат 80, цетостеарил спирти, цетомаркогол, тозаланган сув.

Таърифи: оқдан оч сариқ ранглигача бўлган юмшоқ масса, боғиланган, букланадиган алюмин тубаларга тўлдирилган.

Фармакотерапевтик гуруҳи: сиртга қўллаш учун ностероид яллиғланишга қарши восита.

АТХ коди: M02AA15

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Пардифен Актив гели яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади, яъни турли яллиғланиш жараёнларининг турли бўғимлари таъсир қилади: антипростагландин самараси; юқори ўтказувчанлиқни пасайиши, микроциркуляция жараёнларини нормаллаштириш, гистамин, брадидинини ва яллиғланишнинг бошқа медиаторлари таъсирини камайитириш. Анальгетик хусусиятлари брадидинининг таъсирини сусайитириш қобилияти билан боғлиқ, шунингдек маҳаллий иситма туширувчи таъсирга эга.

Маҳаллий қўлланганда гели суртилган жойда оғриқни сусайиши ёки йўқолишини чақиради, шу жумладан бўғимлардаги тинч ҳолатдаги ва ҳаракатдаги оғриқлар, бўғимларнинг эрталабки танлиги ва шишини камайитиради. Ҳаракатлар ҳажмини оширишга ёрдам беради.

Фармакокинетикаси

Маҳаллий қўлланганда қисман тери орқали сўрилади, биоқариолишиги 6% ни ташкил этади. Плазма оқсиллари билан боғланиши – 99,7%. Буйрақлар орқали чиқарилади. Гел жуда тез сўрилади ва тери ости тўқималарига: тери ости клетчаткасига, мушак тўқимаси, бўғимлар капсуласи ва бўғимлар бўшлиғига сингиб қиради. Маҳаллий даволаш (яллиғланиш бўғим соҳасида) қабул қилувчи полиартрити бўлган беморларда, синовиал суюқликдаги концентратсияси, плазмадаги концентратсиясига қараганда юқори.

Қўлланилиши

–бўғимларнинг яллиғланиши ва дегенератив касалликларига;

–юмшоқ тўқималарнинг ревматизмида;

–травматик жароҳатларда, бўғим, мушак ва пайларни чўзилишида;

–оғир жисмоний юклар билан томонидан чақирилган юмшоқ тўқималарни яллиғланишида, мушак ва бўғимларни оғришида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Фақат сиртга қўллаш учун қўлланилади!

Катталарга ва 14 ёшдан ошган болаларга: 2-4 г гели (тубанинг бўйинчаси тўлиқ очик бўлганда 4-8 см узунликдаги гели) терининг яллиғланиш ўчоғига суткада 2-3 марта юпка қилиб суртилади ва енгил ишқаланади. Препарат суртилгандан кейин қўлларни ювиш керак. Гелининг сўрилиш максимал дозаси 8 г дан ошмаслиги керак. Даволаш курсининг давомийлиги шифокор маслаҳатисиз 14 кундан ошмаслиги лозим.

Препаратни шифокор буюртмасисиз қўлланилганда, агар 7 кун давомида даволангандан кейин пациентнинг ҳолати яхшиланмаса ёки ёмонлашса шифокорга мурожаат этиш тавсия этилади.

Кекса ёшли пациентларда препаратнинг дозасига тузатиш киритиш талаб этилмайди.

Ноғўя таъсирлари

Пайдо бўлган ноғўя самаралари индивидуал сезувчанлик қўлланаётган дозанинг катталиги ва даволанишининг давомийлигига боғлиқ.

Маҳаллий реакциялар: экзема, фотосенсибилизация, контактли дерматит (қичишиш, гиперемия, ишлов бериладиган тери қисмининг шиши, папулалар, везикулалар, пўст ташлаш).

Тизимли реакциялар: тарқалган тери тошмаси, аллергия реакциялар (эшакеми, ангионевротик шиши, бронхоспастик реакциялар).

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

–диклофенакка ва препаратнинг бошқа компонентларига юқори сезувчанлик;

–ацетилсалицил кислотаси ёки бошқа НЯҚВ га юқори сезувчанлик (шу жумладан "аспирин триадаси"га);

–меъда ва 12 бармоқ ичак ярасининг зўрайиш босқичи;

–ҳомилдорлиқнинг III уч ойлигида;

–14 ёшгача бўлган болаларга қўллаш мумкин эмас.

Эҳтиёткорлик билан: Пардифен Актив шикастланган тери юзасига, очик яраларга, кўз ва шиллик қаватларга тушишдан сақланиш керак.

Пардифен Актив қўллаш тавсия этилмайди.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Гелини қўллашдан олдин, агар Сиз шифокор кузатуви остида бўлсангиз ёки бошқа НЯҚВ қўллаётган бўлсангиз шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Препарат фотосенсибилизацияни чақирувчи препаратлар, таъсирини қучайтириши мумкин. Бошқа дори препаратлари билан клиник аҳамиятли таъсири таърифланмаган.

Махсус кўрсатмалар

Гелини фақат, очик жароҳатлардан сақланган ҳолда, шикастланмаган терида суртилади. Суртилгандан кейин окклюзион боғловларни қўйиш тавсия этилмайди.

Препаратни кўзга ва шиллик қаватларга тушишига қўймаслик керак. Препаратни катта миқдорда узоқ вақт қўллашда НЯҚП га хос тизимли ноғўя самаралари, пайдо бўлишини истисно қилиш мумкин эмас.

Ҳар қандай тери тошмалари пайдо бўлганда, препарат билан даволашни тўхтатиш лозим.

Ҳомилдорлик ва лактация даврида

Ҳомилдорликнинг III уч ойлигида препаратни қўллаш мумкин эмас. Препаратни ҳомилдорликнинг I ва II уч ойлигида фақат шифокорнинг маслаҳатидан кейин қўллаш мумкин.

Препаратни эмизикли даврида қўллаш зарур бўлган ҳоллардагина, она учун қўлладиган фойда, бола учун потенциал хавфдан устун бўлсагина қўлланилиши мумкин. Препаратни сут безларида ёки терини катта қисмига ва узоқ вақт давомида қўллаш тавсия этилмайди.

Автотранспортни бошқариш ёки бошқа механизмлар билан ишладда реакция тезлигига таъсир этиш қобилияти

Таъсир этмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлар: гелининг аппликациясида тизимли сўрилишини пастлиги туфайли, дозанинг оширилиб юборилишини эҳтимоли кам. Ичга тасодифан қабул қилинганда тизимли ноғўя реакцияларни ривожланиши мумкин.

Даволаш: меъдани ювиш, қусишни чақиритиш, фаоллаштирилган кумир, жаллаштирилган диурез, симптоматик терапия. Диклофенакни оқсиллар билан юқори даражада боғланиши диализ туфайли самарали эмас.

Чиқарилиш шакли

Сиртга қўллаш учун гель 30 г алюмин тубаларда тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

Куруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Музлатилмасин!

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик мuddати

30 ой.

Яроқлилик мuddати тугагандан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Савдо маркаси ва рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси

VEGAPHARM LIFE SCIENCES PVT. LTD.,

Ҳиндистон

Ишлаб чиқарувчи

Lark Laboratories (India) Ltd., Ҳиндистон

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича зътирозлар (таглифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

"Ameliya Pharm Service" МЧД

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100015, Ойбек кўч., 36, "EAST LINE" БМ.

Тел: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82,

e-mail: uzdrugsafety@evoleto.co.uk